

## **7. Минерал ўғитлар ва пестицидлар билан ишлаш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш.**

### **Хўжаликларнинг раҳбарлари! Ёдда тутинг!**

а) 18 ёшгача бўлган ўсмирлар, хомиладор ва эмизикли аёлларга пестицидлар ва аммиакли сув билан ишлашга рухсат этилмайди;

б) ёши 55 дан катта бўлган эркаклар, 50 ёшдан бошлаб аёллар пестицидлар билан ишлашига йўл қўйилмайди;

в) инфекцион касалликлар билан касалланган ёки жаррохлик операцияларни бошдан кечирган шахсларга ишлаш рухсат этилмайди (тиббий комиссиянинг фикрига кўра, 12 ой давомида).

### **Ўғитлар билан ишлашда ва ўғит солиш машиналарига хизмат кўрсатишда хавфсизлик чоралари.**

Минерал ўғитлар билан ишлаш шиллик пардаларнинг ачишиши, нафас сиқиши, тери копламасининг куйишига сабаб бўлиши мумкин. Минерал ўғитлар билан боғлиқ ишлар, айниқса, катта эҳтиёткорлик билан хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бажарилиши керак.



Суюқ ўғитлар махсус омборларда жойлаштирилган, сифими 50-75 м<sup>3</sup> бўлган баллонларда, бочкаларда, тупроқ кўтармали ер устидаги резервуарларда сақланиши керак.

Минерал ўғитлар билан ишлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

- бундай ишларда тери, нафас олиш йўллари, ошқозон касалликлари билан касалланган шахслар ишлашига йўл қўйилмаслик;
- хизмат кўрсатувчи ходимларга йўл-йўриқ бериш тадбирларини ўтказиб туриш;

- чангланувчи ўғитлар билан ишловчи ходимларни тегишли шахсий химоя воситалари билан таъминлаш;
- транспорт воситаларига ортиш ва тушириш ишларини шамолга рўпара тарафдан ўтказиш;
- иш вақтида чекиш ва овқатланишни таъминлаш;
- ишлар тугатилгандан сўнг баданнинг очик қисмларини дастлаб курук сочиқда артиб чиқиш ва сўнгра яхшилаб ювиш;
- диски ўғитсочгичлар ишлаётган вақтда дискларнинг айланиш текислигида агрегатдан 50-80 м.дан яқин масофада жойлашмаслик.



Сувсиз аммиак ва аммиакли сув (аммиакнинг сувдаги эритмаси) билан ишлашда, айниқса, катта эҳтиёткорликни намоеън қилиш зарур.

Аммиак буглари организмга таъсир этиб, нафас сиқишини, йўтал ва кўз ёшланишини келтириб чиқаради, унинг хаво билан 15-27% (ҳажми бўйича) нисбатидаги аралашмаси эса портлаш хавфига эгадир.



### **Заҳарли дорилар билан ишлашда хавфсизлик чоралари.**

Зараркунандаларга ва кишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши курашиш учун қўлланадиган кимёвий моддалар одам ёки ҳайвон организмга заҳарловчи таъсир кўрсатиб, нафақат маҳаллий шикастланишларга, балки оғир оқибатли заҳарланишларга ҳам сабаб бўлади.

Пуркагич, чанглагич ёки заҳарлагичларда ишлаш жараёнида

машиналарнинг ишчи қисмлари ва механизмлари эмас, балки заҳарли дорилар, айниқса хавфли ҳисобланади.

Заҳарли дорилар билан ишлашда заҳарларни қўллаш ва улар билан ишлаш бўйича махсус йўриқномаларда назарда тутилган эҳтиёт чораларига қатъий риоя қилиш зарур.

*Фосфорорганик  
заҳарли дорини  
қўллаш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА*

---

### **Омборларда заҳарли дорилар билан ишлаш.**


Одамлар ёки ҳайвонлар заҳарланишининг ёки ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида заҳарли дориларни махсус жиҳозланган омборларда сақлаш зарур.

Омборлар уй-жой ва жамоа биноларидан ҳамда озик-овқатларни қайта ишлаш корхоналаридан камида 200 м. масофада жойлашган бўлиши зарур.

Омборхоналарни тоза тутиш, уларнинг худудида чиқиндилар, сомон, бўш идишлар бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир ўғит турини алоҳида сақлаш тавсия қилинади. Омборда иситувчи ва киздирувчи асбоблар мавжуд бўлса, дориларни улардан камида 2 м.ли масофада жойлаштириш керак.

Барча заҳарли дорилар соз ҳолатдаги герметик ёпиладиган идишда, аниқ маркировка ёзувлари билан сақланиши зарур.





Омборхоналар вентиляция, иситиш, ёритиш асбоблари, тегишли шахсий химоя воситалари билан жиҳозланди.

Заҳарли дорилар тўғри қабул қилиниши, сақланиши ва чиқарилиши учун омбор мудирини ёки агроном жавобгар бўлади.

Омборда фақат махсус кийимда ва сақловчи кўзойнакда ишлашга руҳсат этилади.

Пестицидларнинг ҳатто кам заҳарли гуруҳига киритилганлари ҳам кадокланган (ўралган) ҳолда юкланишини назарда тутиш зарур.

Идишга ювилмайдиган бўёқда препаратнинг тўлиқ номланиши, унинг таркибида таъсир этувчи модданинг фоиз ҳисобдаги миқдори, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш санаси, шунингдек, препаратни қўллаш бўйича қисқача йўриқнома ҳамда **пестицидлар билан ишлашдаги эҳтиёт чоралари** акс эттирилган трафарет туширилади ёки юқорида кўрсатилган маълумотли ёрликлар ёпиштирилади.



Транспортда ташиш, сақлаш ва қўллаш давомида ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларини адаштириб юбормаслик мақсадида препаратларнинг ҳар бир гуруҳи учун қўшимча маркировка жорий этилган.

Идишларга (бочка, фляга, барабан, коп ва ҳ.к.ларга) ювилмайдиган бўёқда 20x4 см ўлчамли горизонтал тасма солинади, ва бу тасма қуйидагича рангларда бўлади:

- инсектицидлар ва зооцидларда – **қора**;
- фунгицидларда – **яшил**;
- уруғдориллагичларда – **кўк**;
- гербицидларда – **қизил**;
- дефолиант ва десикантларда – **оқ**.

**Техник паспорт**  
**Препаратнинг номи .....**  
**Етказиб берувчи- завод.....**  
**Партия рақами.....**  
**Ишлаб чиқариш санаси....**  
**Сертификат .....**

Ишлаб чиқарувчи- заводлар пестицидларни юклаб жўнатишда темир йўл юк хужжатларига препаратнинг номи, етказиб берувчи- завод, партия рақами, ишлаб чиқариш

санаси ва завод лабораториясининг кимёвий таҳлил натижалари билан препарат сертификати кўрсатилган техник паспортини **илова қилиши шарт.**

Препарат сотилгандан сўнг унинг техник паспорти омборда камида бир йил давомида сақланади.

**Сифатсиз захарли химикатлар қўлланишининг олдини олиш мақсадида сертификатсиз пестицидларни қишлоқ хўжалигида қўллаш тақиқланади!**

Захарли химикатлар ҳаракатини (қабул қилиниши ва беришни) ҳисобга олиш учун омборда дафтар юритилган бўлиши керак.

Иш куни якунида ишлатилмаган захарли химикатларни сақлаш учун омборга топшириш зарур.

Захарли химикатларни ташиш учун метал кузовли автомашиналар ажратилиши керак.

**Захарли химикатларни транспортда ташиш вақтида:**

-транспортни кузатаётган шахслар ҳайдовчи кабинасида бўлиши;

-идишлар шикастланишига, захарлар тўкилишига ва сочилишига йўқ қўймаслик;

-мажбуран узок вақт тўхтаб туриш вақтида транспорт кўрикланишини ташкил этиш зарур.

**Захарли химикатлар билан ишлашдаги умумий қоидалар**

Захарли химикатлар билан иш бошлашдан олдин хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз иш усулларини чуқур ўрганган ва





ўзлаштирган ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини кўллаган ҳолда махсус йўл-йўриқ олиши, заҳарланиш белги-аломатлари ҳамда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари билан танишиши шарт.

Ҳайвонлар ва паррандалар заҳарланишига йўл кўймаслик учун заҳарларга ўта эҳтиёт бўлиш

ва уларнинг ерга тўкилишидан эҳтиёт чорасини кўриш зарур.

Эритмалар ёки хўрақлар тайёрланган идиш-ашёларни назоратсиз колдириш мумкин эмас.

Заҳарлар тайёрланган идишлар бошқа хўжалик мақсадларида ишлатилмаслиги керак.

Иш тугатилгандан сўнг идишларни яхшилаб тозалаш ва иссик сувда ювиш зарур.

## **ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ! ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИЛДИ!**

Ишлов берилган майдонларда (дала, боғ, полиз ва бошқа жойларда) молларни ўтлатишни ва мевалар йиғишни тақиқловчи огоҳлантирув ёзувларини осиб белгилаб кўйиш зарур.

Заҳарлар, хўрақлар тайёрланган жойлар ёки уруғларни дорилаш майдонларида, заҳарли химикатлар тўкилганлиги (сочилганлиги) аниқланганда у ерлар қайта ҳайдаб чикилиши зарур.

Заҳарланишларнинг олдини олиш мақсадида боғлар ёки экинларнинг заҳарли химикатлар билан охириги ишловини беришни хосил йиғишдан **камида 15-20 кун олдин** амалга ошириш керак.



Заҳарлар билан ишлаш жараёнида чекиш ёки овқатланиш, махсус кийим ва

респираторларни уйига олиб кетиш ёки яшаш жойида сақлаш тақиқланади.

Захарланиш белгилари аниқланган тақдирда жабрланувчи зудлик билан энг яқин тиббиёт муассасасига етказилиши керак.



Биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида жамоа (бригада) дорилар кутиси билан таъминланган бўлиши зарур.

Захарли химикатлар билан боғлиқ бўлган иш вақти 6 соатдан, курук дорилаш ва кучли таъсир этувчи захарлар билан ишлашда эса 4 соатдан кўп бўлмаслиги керак.



### **Пуркаш, чанглаш ва аэрозол билан ишлов бериш.**

Ўсимликларга захарли химикатларни пуркаш ва чанглаш учун турли қувватли махсус аппаратурани (авиацион, трактор, қўл пуркагичлари ва чанглагичлари) ҳамда ишчи суюқликларни тайёрлаш ва машиналар агрегатларига қуйиш учун хизмат қиладиган ускуналарни қўллаш тавсия қилинади.



Пуркаш, чанглаш ва аэрозолли ишлов бериш одамга захарли таъсир этиши туфайли **ниҳоятда хавфли иш турлари** жумласига киритилади, маъмурият ҳамда агрегатлар ва машиналарга хизмат кўрсатадиган ходимлар **мавжуд талаблар ва қоидаларга мувофиқ барча эҳтиёт чораларига** риоя қилиши шарт.

Ўсимликларга кучли таъсир этувчи ва захари юқори захарли химикатларни чанглаш ва пуркаш орқали ишлов бериш ишлари ер усти механизациялаштирилган аппаратлари ёрдамида бажарилиши керак.

Ишчи эритмаларни махсус жиҳозланган асфалтланган ёки бетонланган қуйиш пунктларида тайёрлаш зарур.



Бундай эритмаларни агрегат-ларга куйиш ишларини ер майдонларида амалга ошириш факат Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

Куйиш пунктлари уй-жой иморатларидан ва ишлаб чиқариш жойларидан камида 200 м. узокликда бўлиши керак.



Пуркаш ёки чанглаш ишларини ўтказиш вақтида захарли химикатлар таъсирини олдини олиш мақсадида агрегат дала бўйича шамол йўналишига перпендикуляр ҳаракатланиши керак.

Ўсимликларни зарақунандаларга қарши чанглаш йўли билан ишлов бериш эрталаб ва кечки пайт, шабнам тушгандан сўнг, пуркашни

эса – шабнам кўп бўлмаган вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Кимёвий ишлов бериш ишларини ҳосил йиғишдан 25-30 кун олдин, кучли таъсир этувчи захарли химикатлар учун эса – 45 кун олдин ўтказиш тавсия қилинади.

### **Омборларни дезинсекциялашда хавфсизликни таъминлаш**

Омборлар дезинсекциясини ўтказишда куйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:



- хоналарни зарарсизлантириш ишлари ўтказилаётган ҳудудда, ишлов берилаётган хонадан 50 м.дан кам бўлган масофада очик олов ишлатиш тақиқланади;



- хоналарни газ билан ишлов беришдан олдин тешиқлар ва кириш эшигидан ташқари, бошқа эшиқлар ёпилади ва замазка билан суваб ташланади, кириш эшиқлари газ узатиб бўлиши билан ёпилади ва сувалади;

- ишлов берилган хоналар дезинсекция бошидан то тўлиқ тугатилишигача кўриқланиши керак, бунда кўриқчиларни газ билан ишланаётган объектдан камида 20 м. масофада жойлаштириш лозим;

- омбор хонасини дегазациялаш даврига темирчилик хоналарини, устахоналарни ва 50 метрли зона доирасида жойлашган бошқа иншоотларни ёпиб кўйиш зарур.



## Захарланиш холларида биринчи ёрдам

Захарли химикатлардан ўткир захарланишнинг ташки белги-аломатлари турлича (хушидан кетиш, сиқилиш ёки, аксинча, асабийлашиш, томир тортишиши, умумий юрак-томир нимжонлиги, ошқозонда оғриклар пайдо бўлиши, қусиш ва бошқалар) бўлади.

Захарланиш холларида шифокорни чақириш ва тиббиёт ходимлари келишини кутмасдан, жабрланганни тоза ҳавога олиб чиқиш лозим.



Агар захар оғиз орқали тушган бўлса, сунъий қайт қилишни кўзғатиш ёки жабрланганга Соғликни сақлаш Вазирлиги томонидан рухсат этилган дори воситаларини бериш зарур (ич сурадиган восита сифатида канакунжут (касторка) мойини ёки бошқа мой ва ёғларни қўллаш мумкин эмас, чунки улар захарли химикатларни эритиб, бу моддалар қонга сингишини кучайтиради).

Қоринда ўткир оғриклар кузатилганда грелка ёки иссиқ сувли бутилка қўйиш тавсия қилинади.

Захарланиш нафас йўллари орқали юз берган бўлса, жабрланувчининг қисиб турган кийимларини ечиш ва бўшатиш ва қуйидагича ёрдам кўрсатиш зарур:

- кўзда ачишиш ва безовталиқ сезилганда кўзларни ичиладиган сода эритмаси билан ювиш (бир стакан сувга бир чой қошиқ) ёки кўз томчиларини томизиш зарур;

- каттиқ йўталда сода қўшилган сут бериш ҳамда кўкрак қисмига горчичник қўйиш керак;



- оғир захарланишда (одамнинг кескин ранги ўчиши, нафас олиши сустлашиши) жабрланувчини иссиқ ёки, (йил мавсумига қараб) аксинча салқин хонага олиб чиқиш, ширин чой ёки қаҳва бериш, нашатир спиртга хўлланган пахта ҳидлатиш, нафас йўқлигида эса сунъий нафас олдириш зарур.

Барча оғир захарланиш ҳолатларида биринчи ёрдам кўрсатилгандан сўнг жабрланувчини энг яқин даволаш муассасасига етказиш зарур.